



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2014 йил 17 июнь, № 116 (6046)

Сешанба

КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЎЗБЕКISTONGA КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг таклифига биноан Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэ 16 июнь куни илк давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.



Икки мамлакат давлат байроқлари билан безатилган Тошкент халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов кутиб олди.

Қисқа суҳбатдан сўнг Корея Республикаси делегацияси Кўксарой қароргоҳига йўл олди.

Олий даражадаги учрашув ва музокара-лар чоғида Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ҳамда уни янада кенгайтиришнинг узоқ истиқболга мўлжалланган устувор йўналишлари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар муҳокама қилинади.

Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэнинг Ўзбекистонга давлат ташрифининг асосий тadbирлари 17 июнга мўлжалланган.

Ташриф якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси раҳбарлари томонидан Стратегик шерикликни янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш тўғрисидаги қўшма декларация қабул қилиниши, турли соҳалардаги ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш учун мустақкам асос бўладиган қатор ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган.

(ЎЗА).

Сарвар ҲОМОНОВ олган сурат.

АНЖУМАН

Кеча пойтахтимиздаги Халқаро бизнес марказида Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги ҳамкорликка бағишланган конференция ўтказилди.

АКТ соҳасида ҳамкорлик ривожланмоқда

Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ҳамда Корея Республикаси Фан, ахборот-коммуникация технологиялари ва келажақни режалаштириш вазирлиги томонидан ташкил этилган ушбу тadbирда икки мамлакатнинг АКТ соҳаси учун масъул идоралари, нуфузли ташкилот ҳамда компаниялари, илмий тadbикот институтлари раҳбарлари, мутахассислари қатнашди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари барча соҳаларда изчил ривожланиб бормоқда. Бунда икки давлат раҳбарла-

рининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётди. Хусусан, Президентимизнинг 2012 йил сентябрь ойида Корея Республикасига давлат ташрифи ўзаро муносабатларни сифат жиҳатидан янги bosқичга олиб чиқишга замин яратди. Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэнинг мамлакатимизга амалга оширилган илк давлат ташрифи стратегик шерикликнинг мантқий давоми бўлиб, Ўзбекистон — Жанубий Корея ўртасидаги ўзаро манфаатли муносабатларни янада ривожлантиришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

(Давоми 2-бетда).

ДУНЁ НИГОҲИ

Германияда Ўзбекистоннинг тарихий-маданий бойлиги ҳамда ноёб сайёҳлик салоҳиятига бўлган қизиқиш тобора кучайиб бораётгани кузатишмоқда. Бунда, шубҳасиз, немис оммавий ахборот воситаларининг хизмати катта.

Қисқа

сатрларда

• Ёшлар ижод саройида “Маҳалланинг энг ораста қизлари” республика кўрик-танловининг Тошкент шаҳар bosқичи бўлиб ўтди. Барча шартда пешқадамлик қилган Шайхонтохур туманининг “Ибратли қизлар” жамоаси биринчи ўринга лойиқ топилиб, “Маҳалланинг энг ораста қизлари” республика форумида иштирок этиш имконини қўлга киритди.

• Бухорода суд-ҳуқуқ ислохотларининг назарий ва амалий масалалари, муаммо ва истиқболларига бағишланган илмий-амалий конференция ўтказилди. Унда жиноятларни тергов қилиш, суриштирув ва даст-

лабки тергов bosқичида қонунийликни таъминлаш устидан прокурор назоратининг аҳамияти, жиноят-судлов ишларини юритиш тартибининг соддалаштирилиши каби масалалар атрофича муҳокама қилинди.

• Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси (“Ергеодезакастр”) томонидан ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ер тузиши ҳамда ерлар мониторингини ташкил қилиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш, ошириш ва қайта тиклаш борасида ягона давлат сиёсатини юритиш бўйича амалга оширилаётган чора-тadbирларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

• Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигида “Муסיка жанговар сафда” анъанавий кўрик-танловининг якуний bosқичи бўлиб ўтди. Унда Чирчиқ Олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти ҳарбий оркестри биринчи ўринни эгаллади.

• Наманган туманида одам савдосига қарши курашишга бағишланган давра суҳбати уюштирилди. Tadbирда одам савдосига қарши курашиш бўйича таълим муассасалари, маҳаллалар ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигини янада такомиллаштириш бўйича вазифалар белгилаб олинди.

• Қарши шаҳрида “Соғлом бола йили” Давлат дастури ижроси доирасида Ўзбекистон Касаба уюмчалари Федерацияси кенгаши томонидан ташкил этилган “Истиқлол гунчалари” кўрик-танловининг худудий bosқичи бўлиб ўтди. Ушбу болалар санъат байрамида Қашқадарё, Сурхондарё ва Самарқанд вилоятларидан келган 350 нафардан зиёд ёшлар анъанавий ижрочилик, эстрада қўшиқчилиги, чолғу ижрочилиги, якка ва жамоа рақси йўналишларида ўзаро беллашди.

• Наманган туманида одам савдосига қарши курашишга бағишланган давра суҳбати уюштирилди. Tadbирда одам савдосига қарши курашиш бўйича таълим муассасалари, маҳаллалар ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигини янада такомиллаштириш бўйича вазифалар белгилаб олинди.

МАМЛАКАТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 23 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, уни фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ишончли ҳимоя қила оладиган мустақил давлат институтига айлантиришга қаратилган кенг кўламли ислохотлар бугун амалда кутилган самараларни бераётганига ҳар биримиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Буни нафақат юртдошларимиз, балки хорижликлар, халқаро ташкилотлар вакиллари ҳам яқдиллик билан эътироф этишмоқда. Бунда, шубҳасиз, тизимнинг қонунчилик асослари яратилиб, изчиллик билан такомиллаштирилиб борилаётгани ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

ИНСОНПАРВАРЛИК ВА БАҒРИКЕНГЛИК

изчил амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг бош мақсадидир

Ўтган йиллар давомида жиноят-процессуал, фуқаролик-процессуал қонунчиликни тубдан ислох қилиниб, суд тизими ижро этувчи ҳокимият органлари назорати ва таъсирдан чиқарилгани, умумий юрисдикция судлари ихтисослаштирилиб, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судлар ташкил этилгани мисолида ҳам буни яққол кўриш мумкин.

Айтиш кераки, бугунги кунда фуқаролар биринчи инстанция суди қароридан норози бўлган ҳолларда, ҳуқуқ ва манфаатини апелляция ҳақида қассация инстанциясида, ўз адвокати иштирокида ҳимоя қилиш имконига эга бўлди. Жорий этилган ушбу янгиликлар биринчи инстанция судлари томонидан йўл қўйилган ҳатоларни ўз вақтида туза-

тиш ва суд фаолиятида сансалорликка йўл қўйилишининг олдини олишга хизмат қилмоқда. Қўйидаги рақамлар ҳам фикримизни тасдиқлайди. Агар 2000 йилда суд хатоларининг деярли ярми назорат тартибида тузатишдан бўлса, 2013 йилда бундай ҳолатларнинг 89 фоизи апелляция ва қассация тартибида бартараф этилган.

Иқтисодиёт соҳасидаги жиноят ишлари бўйича қамок ва озодликдан маҳрум этиш жазолари ўрнига жарима шаклидаги иқтисодий санкцияни қўллаш имконияти кенгайтирилгани ҳам муҳим ютуқларимиздан, десак, айтиш ҳақиқат. Зеро, унга кўра, жиноий жазо тизимидан инсонпарварлик тамойилларига зид бўлган мол-мулкни мусодара қилиш кўринишидаги

жазо тури чиқариб ташланди. Шуларга мос равишда Президентимизнинг ташаббуси билан 2001 йилда қабул қилинган “Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонун билан жиноятлар таснифи тубдан ўзгартирилди. Натижада оғир ва ўта оғир тоифадаги жиноятларнинг қарийб 75 фоизи ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган ҳамда унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказилди.

Шунингдек, Жиноят кодексига етказилган моддий зарар қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш

(Давоми 2-бетда).

Кўп тармоқли фермер хўжаликлари

озик-овқат дастури ижросини таъминлашда муҳим ўрин тутди

ТАДБИР

Аграр соҳани ривожлантиришга қаратилган кенг кўламли ислохотлар, аввало, юртимиз аҳолисини кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш имконини бермоқда. Шу билан бирга,

жойларда фермерлик ҳаракати янада мақбуллашиб, кўп тармоқли хўжаликлар шаклланмоқда ҳамда деҳқончилик маданияти юксалиб бораётди.

Ўзбекистон Фермерлари кенга-

ши томонидан Тошкент вилояти туманларида ўтказилган семинар-мулоқотларда ана шу жиҳатларга асосий эътибор қаратилди.

(Давоми 3-бетда).

Ислохотларга дахлдорлик депутатлар фаолиятида устувор аҳамият касб этмоқда

Ёш авлодни юксак маънавиятли, мустақил ва эркин фикрлайдиган, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган, ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида кечаяётган ислохотларнинг пировард мақсадидир.



«Ипак йўли сеҳри»

Чунки улар ранг-баранг материаллари билан мунтазам равишда Ўзбекистон мавзусини ёритиш асосида икки мамлакат ўртасидаги маданий алмашувлар кўламли равишда кенгайтиришга кўмаклашмоқда.

Яқинда Германияда нашр этиладиган “Berliner Morgenpost” ва “Hamburger Abendblatt” газеталарида “Ипак йўли сеҳри” сарлавҳали мақола эълон қилинди. У Ўзбекистоннинг бой маданияти ва сайёҳлик имкониятларига бағишланган.

Муаллиф Эккехарт Айхлер Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент сингари қўнча шаҳарлар бағрида жойлашган ноёб мезморий ёдгорликлар ҳақида қалам тебратар экан, бу шаҳарларни “Ипак йўлининг асл дурдоналари” деб таърифлайди.

“Самарқанддаги дунёга машҳур Регистон майдони — Марказий Осиёдаги энг гўзал қадимжолардан бири ҳамда умумжаҳон маданий меросининг бир бўлагидир. Регистондаги уч мадрасадан иборат

мажмуа шаҳарсозликдаги ноёб намуна ҳисобланади”, деб ёзади у.

Э. Айхлер Хива шаҳридаги кўп сонли тарихий ёдгорликлар ҳақида ҳикоя қилар экан, газетонлар эътиборини алгебра фанининг асосчиси — буюк олим Муҳаммад ал-Хоразмий қолдирган бой меросга қаратади. “VIII асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этган буюк математик, астроном ва географ Муҳаммад ал-Хоразмийнинг асарлари жуда муҳимлиги баробарида, улар бугунги кун учун ҳам долзарбдир. — деб ёзади у. — Масалан, олим ўзининг “Ҳинд ҳисоби ҳақида китоб” асарида ҳинд рақамлари асосида уник позиция системасида сонларнинг ёзилишини батафсил баён қилади. У сонларнинг бундай ёзилишидаги қулайликлар, айниқса, ноль ишлатилишининг аҳамиятини алоҳида таъкидлайди. Дарҳақиқат, Муҳаммад ал-Хоразмий ўз даврининг даҳоси эди”.

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

2014 йилнинг дастлабки уч ойда мамлакатимизда ишлаб чиқариш ўзлаштирилган янги маҳсулотлар тури

154
ташиқ
ташкил этди.

Тайёр маҳсулотлар, бугунги қисмлар ва материалларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича дастурни амалга ошириш доирасида кўриланган

изчил чора-тadbирлар ички бозорни импорт ўринни босувчи шунча хилдаги юқори сифатли маҳсулотлар билан тўлдирish имконини берди.

Соғлом турмуш тарзи — фаровон ҳаёт кафолати

Гиёҳвандлик моддаларини суистеъмол қилиш ва унинг ноқонуний айлланишига қарши курашиш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Зеро, “аср вабоси” дея аталаётган ушбу офат дунё тараққиёти ва барқарорлигига раҳна солиб, жамиятдаги соғлом турмуш тарзига жиддий пўтур етказмоқда. Боз устига, гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний айлланишидан келиб тушаётган фойда терроризми, диний экстремизми, одам савдоси каби оғир жиноят турларини кўллаб-қувватлаш йўлида сарфланаяпти. Бу эса барча учун бамисоли огоҳлик кўнғироғи, ҳушёрлик бонгидир. Зеро, давлатимиз раҳбари “Наркобизнесга қарши олиб бораётган курашимизни мен бизнинг ёрқин келажагимиз, фарзандларимиз келажағи учун кураш, деб биламан”, дея таъкидлаганлари ҳам бежиз эмас.

Бинобарин, юртимизда бу борада тегишли чора-тадбирларни босқичма-босқич амалга оширишга катта эътибор қаратиб келинаётир. Мухбиримиз ана шулар хусусида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази етакчи эксперти Саодат ЖУМАНОВА билан суҳбатлашди.

золаган, халқаро ташкилотларга аъзо бўлган.

Мамлакатимизда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Европа Иттифоқи, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти халқаро лойиҳаларини мувофиқлаштириш, мониторинг қилиш ва амалга ошириш бўйича изчил чора-тадбирлар кўриб келинмоқда. Имзоланган шартномалар доирасида қилинган мувофиқ, БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси ҳамда ШХТ мувофиқлаштирувчи тузилмалари билан наркотик моддаларга оид вазият тўғрисидаги ахборот материалларни алмашиш таъминланмоқда. Тегишли режаларга қўша, кўша тезкор-қидирув ҳамда махсус тадбирларнинг амалга ошириб келинаётгани ҳам кўзланган натижаларни бераяпти. Ўз навбатида, чегараларимиз мустақамлаштириш ва замонвий техника воситалари билан босқичма-босқич жиҳозланиши минтақадаги наркотиқ барқарорлаштиришга мувапиф бўлишига алоҳида аҳамият берилмоқда.

— Президентимиз томонидан халқаро минбарларда минтақадаги наркотиқ барқарорлаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатлари ҳақида тўхталиб ўтсангиз.

— Президентимиз томонидан халқаро минбарларда минтақадаги наркотиқ барқарорлаштиришга қаратилган ва дунё ҳамжамияти диққатини ўзига тортган қатор долзарб фикр-мулоҳазалар илгари сурилган. Чунинчи, наркотиқ бизнесга қарши кураш фаолияти самараси, албатта, халқаро ҳамкорлик алоқалари билан узвий боғлиқ. Ўзбекистон наркотик воситалар, психотроп моддаларнинг ноқонуний айлланишига қарши қўриб бораётган кўллаб-қувватлаш ишлари билан икки ва кўп томонлама келишувлар, битимлари им-

эканлигини эътироф этиш жоиз. Бу эса, ҳақиқатан ҳам, “Соғлом бола йили” Давлат дастури ва Наркотик моддаларни суистеъмол қилиш, уларнинг ноқонуний айлланишига қарши курашиш бўйича 2011 — 2015 йилларга бўлган давлат дастурида кўзга тутилган вазифаларга тўла ҳамоҳангдир.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази ва ҳокимликлар ҳузуридаги ҳудудий комиссиялар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, давлат ва жамоат ташкилотлари, таълим, тиббиёт, маданият, спорт муассасалари, хайрия фонллари ҳамкорлигида бир қатор профилактика, тушунтириш-тарғибот тадбирлари ўтказиб келинаётир.

Масалан, Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги болалар ёғи дам олиш, кундузги оромгоҳлар ва мактаблар қўшиқдаги соғломлаштириш майдончалари тарбияланувчилари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилувчи танловлар, давра суҳбатлари, ҳужжатли ва бадиий фильмлар намойиши, мусоабалар уюштириш янги аниқлаштирилган кўрсаткичлар ҳақида маълумотларни тарғиб қилиш ишлари вазирлиги, “Камолот” ЁИХ, “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси кўмағида таниқли санъаткорлар, маданият соҳаси вакиллари, спортчилар ва бошқа жа-

Мухтасар айтганда, бундай ойликлар, хайрия акциялари, концерт дастурлари, спорт мусоабалари, кўрсаткичлар, урчушувлари ўзидан муҳимроқ эътибор ва умуман, гиёҳвандликка қарши курашга йўналтирилган ҳар қандай эзгу саъй-ҳаракат юрт раҳмати, эл фаровонлигига ҳизмат қилади. Уларда фаол иштирок этаётган фуқаролар, айниқса, ёшлар сони йилдан-йилга кўпайиб бораётгани ана шу интилишлар самарасидир. Бу эса жамиятда соғлом турмуш тарзи чуқур қарор топиб, ақлу таваққулни теран, замонвий фикрлайдиغان, иродали, Ватанимиз тақдирини келажағига бепарқ бўлмаган, ислохотларга дахлдор навқирон авлод сафи кенгайиб бораётганини кўрсатади.

моат арбоблари иштирокида катта хайрия концерти ўтказилиши режалаштирилган. “Ўзбектеатр” ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан академик драма театрларида сахналаштирилган “Қайтар дунё”, “Заҳарли томчилар”, “Қабоҳат тўзғи” каби спектакллар томошабинлар эътиборига ҳавола этилмоқда.

“Ўзбекино” Миллий агентлиги томонидан эса жойлардаги кинотеатрларда “Афюн гирдобини”, “Жаҳолат чангалида”, “Ўргимчак тўри”, “Таҳдид”, “Хиёнат” каби бадиий ҳамада “Лоқайдлик балоси”, “ОИТС — аср балоси”, “Қил устида”, “Зулмат салтанати”, “Улим сўқмоғи”, “Ачиқ қисмат”, “Гиёҳвандлик муаммоси” каби ҳужжатли фильмлар намойиши йўлга қўйилди. Шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида Халқаро гиёҳвандликка қарши кураш кўнига бағишланган мавзуларда ҳуқуқ тарғибот, соғлиқни сақлаш тизимлари ходимлари иштирокида маърузалар қилинмоқда, урчушувлар ташкил этиляпти.

Уларни ёритишда республика ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари фаол қатнашиб келаётгани диққатга сазовор. Шуларга муштарак тарзда Ўзбекистон Миллий телерадиокөмпанияси каналларида махсус телекўрсатув, радиозиёратнинг ва ижтимоий роликлар эфирга узатишмоқда, матбуотда таҳлилий материаллар бериляпти. Қўридагилар республикамизда нафақат ушбу ойлик давомиди, балки доимий равишда амалга оширилаётган катта ишнинг бир қисmidир.

Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий маркази томонидан бу борадаги ишлар мувофиқлаштирилиб, уни юқори савияда ўтказиш учун тегишли вазирлик ва идораларга зарур ташкилий ҳамада услубий ёрдам кўрсатишмоқда.



ТАШАББУС

Жорий мавсумда боёвтулик пиллакор Ойхон Мусаевага 190 килограмм пилла етиштириши учун, одатгаидек, 30-35 кун эмас, 19 кун кифоя қилди.

Боиси, бу йил ушбу кўртларини плёнка остида парваришлади. Мазкур интенсив усул ипак кўртларининг турли касалликларга чалинишининг олдини олади. Айни чоғда кам барг сарфлаб, мўл ва сифатли пилла олиш имконини беради. Ипак кўртини плёнка остида боқиш учун аниқланган усулга нисбатан анча кичик жой ҳам етарли бўлади. Яна бир жиҳат, ҳарорат ва намлигини ҳар доим меъёрда бўлиши таъминланади.

— Мухими, янги усулда етиштирилган пилланинг сифати юқори, — дейди “Боёвтупилла” МҲЖ раҳбари Шерзод Мирзахамдамов. — Қолавераси, ушбу усулда муҳим сановат хом ашёсини тайёрлаш харажати кам. Шу боис келгуси йили плёнка воситасида пилла етиштиришни янада кенроқ қўллашни мўлжалляяптиз.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ КУРАШ ОЙЛИГИ

— Маълумки, гиёҳвандлик каби салбий ижтимоий ҳодисалар маънавий бўлиқ бўлган жойда кенг тарқалади, — дейди суҳбатдошимиз. — Наркожиноятчиларнинг тасвирига эса аксарият ҳолларда иродасиз инсонлар тушиб қолади. Шу боис наркотик моддаларнинг ноқонуний айлланишига қарши кураш, гиёҳвандликнинг тарқалишига чек қўйиш ва унга шароит яратадиган омилларни бартараф этиш ниҳоятда долзарб саналади.

Мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб юртимизда бу борада тизимли ишлар олиб берилмоқда. Хусусан, давлатимиз БМТнинг Наркотик моддалар тўғрисидаги, психотроп моддалар тўғрисидаги, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айлланишига қарши кураш тўғрисидаги конвенцияларига қўшилди. 2000 йилда “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп воситалар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қучга кирди. Президентимизнинг бир қатор қарорлари, давлат дастурлари ҳаёtgа изчил татбиқ этилмоқда. Уларнинг ижросига жиддий аҳамият қаратиб келинаётгани эса жамиятда соғлом турмуш тарзи ва юксак маънавиятни

қарор топтиришда муҳим роль ўйнаяпти, албатта.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Наркотикларни назорат қилиш бўйича давлат комиссияси, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, бошқа ваколатли вазирлик ва ташкилотлар наркотик моддаларнинг ноқонуний айлланишига қарши кураш бўйича мақсадли комплекс чора-тадбирларни амалиётга татбиқ этмоқда. Бунда гиёҳвандлик иллати тарқалишининг олдини олиш, идоралараро ҳамкорлик ва халқаро алоқаларни ривожлантириш алоҳида ўрин тутлади.

Шулар баробарида, наркологик даволаш ва тиббий-ижтимоий реабилитация муассасалари модернизация қилинди, замонавий жиҳозлар билан таъминланди, уларнинг моддий-техник базаси такомиллаштирилди. Айни чоғда аҳоли соғлиғини муҳофаза этиш, спортни оммалаштириш, ёшларимизни қизиқтиришга қўра, спорт, фан ва маданият тўғрисидаги жалб этишга қаратилган умумпрофилактик чоралар қўриляпти. Буларнинг барчаси йилгит-қизларда ҳаёт ва атрофдодиларга нисбатан позитив муносабатни янада мустаҳкамлаш, фаол фуқаролик позицияси, масъулият, мустақиллик

ва ўз кучига ишонч ҳиссини шакллантириш баробарида, уларни ўқиш, сеvimли касб, ҳисмоний тарбия, туризм билан шуғулланишига илҳомлантиришмоқда.

Умуман, олиб бориляётган кенг кўламли тарғибот-тушунтириш ишлари, турли магулутлар натижасида психоактив моддаларни нотиббий мақсадда истеъмол қиладиган, диспансер ва профилактика ҳисобида турадиган шахслар сонини сезиларли даражада камайитирилишига эришилмоқда.

— Ўзбекистоннинг минтақадаги наркотиқ барқарорлаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатлари ҳақида тўхталиб ўтсангиз.

— Президентимиз томонидан халқаро минбарларда минтақадаги наркотиқ барқарорлаштиришга қаратилган ва дунё ҳамжамияти диққатини ўзига тортган қатор долзарб фикр-мулоҳазалар илгари сурилган. Чунинчи, наркотиқ бизнесга қарши кураш фаолияти самараси, албатта, халқаро ҳамкорлик алоқалари билан узвий боғлиқ. Ўзбекистон наркотик воситалар, психотроп моддаларнинг ноқонуний айлланишига қарши қўриб бораётган кўллаб-қувватлаш ишлари билан икки ва кўп томонлама келишувлар, битимлари им-

— Шу кунларда юртимизда Гиёҳвандликка қарши кураш ойлиги давом этаяпти. Унинг самарали ўтказилиши “Соғлом бола йили” Давлат дастури мақсадларига ҳам уйғундир. Шу муносабат билан қандай тадбирлар ташкил этиляпти?

— Аввало, гиёҳвандликка қарши кураш ойлигини ўтказишдан мақсад — фуқароларнинг гиёҳвандлик оқибатлари ҳақидаги билиминини ошириш, учраётган муаммоларни бартараф қилиш, жамиятда соғлом турмуш тарзини янада чуқур қарор топтириш

Сиджон МАХСУМОВ суҳбатлашди.

ЭЪЛОНЛАР

Qishloq Qurilish Bank

Барча юртдошларимизга қуйидаги янги омонат турларини тақлиф этади.

Миллий валютада:

«Янгилик»	Омонатга маблағлар 3 ойга қабул қилинади ва ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб берилади.
«Фойда»	Омонатга маблағлар 3 ойга қабул қилинади ва ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб берилади.
«Файзли»	Омонатга маблағлар 4 — 6 ойга қабул қилинади ва ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб берилади.
«Даромадли»	Омонатга маблағлар 12 ойга қабул қилинади ва ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб берилади.
«Талаба»	Омонатга маблағлар 14 ойга қабул қилинади ва ҳисобланган фоизлар ҳар 3 ойда тўлаб берилади.

Хорижий валютада:

«Финанс»	Омонатга маблағлар 12 ойга қабул қилинади ва ҳисобланган фоизлар омонатчи талабига қўра, ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг тўлаб берилади.
«Капитал»	Омонатга маблағлар 4 ойга қабул қилинади ва ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб берилади.
«Фортуна»	Омонатга маблағлар 1 ойга қабул қилинади ва ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг тўлаб берилади.

Бундан ташқари, аҳолининг уй-жой ва бошқа шахсий мулкларидан фойдаланиш ҳараёнида улар бўйича тўланадиган коммунал тўловларини тўлашга қулайлик яратиш мақсадида қуйидаги янги махсус юқори фоизли омонат турлари жорий қилинган:

«Қулай тўлов»	Омонатга маблағлар 6 ойга қабул қилинади ва омонатга ҳисобланган фоизлар омонатчи номидан коммунал хизматни кўрсатувчи ташкилотларга олдиндан ёки омонатчининг ташкилот олдидаги қарздорлигини сўндириш учун йўналтирилади.
«Техамкор»	Омонатга маблағлар 1 йилга қабул қилинади ва омонатга ҳисобланган фоизлар омонатчи номидан коммунал хизматни кўрсатувчи ташкилотларга олдиндан ёки омонатчининг ташкилот олдидаги қарздорлигини сўндириш учун йўналтирилади.
«Коммунал»	Омонатга маблағлар 24 ойга қабул қилинади ва омонатга ҳисобланган фоизлар омонатчи номидан коммунал хизматни кўрсатувчи ташкилотларга олдиндан ёки омонатчининг ташкилот олдидаги қарздорлигини сўндириш учун йўналтирилади.

Ушбу омонат турларига банкнинг барча филиалларида маблағ қабул қилинади.

1.	Тошкент шаҳар минтақавий филиали	(8-371) 150-77-21
2.	Тошкент вилояти минтақавий филиали	(8-371) 150-79-19
3.	Андижон минтақавий филиали	(8-374) 222-23-72
4.	Фарғона минтақавий филиали	(8-373) 229-70-91
5.	Наманган минтақавий филиали	(8-369) 223-04-37
6.	Бухоро минтақавий филиали	(8-365) 223-92-21
7.	Самарқанд минтақавий филиали	(8-366) 210-02-49
8.	Қашқадарь минтақавий филиали	(8-375) 771-04-26
9.	Сурхондарь минтақавий филиали	(8-376) 770-83-72
10.	Қорақалпоғистон минтақавий филиали	(8-361) 224-22-15
11.	Хоразм минтақавий филиали	(8-362) 227-48-15
12.	Сирдарь минтақавий филиали	(8-367) 221-00-71
13.	Жиззах минтақавий филиали	(8-372) 771-63-38
14.	Навий минтақавий филиали	(8-436) 770-27-97.

Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатингиз:

- солиқ ва мажбурий тўловлардан озод;
- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- эгаллик қилиш ва тасарруф этиш ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- микдори чекланмаган.

Мурожаат учун телефонлар:
(+99871) 150-76-53, 150-39-93.
www.qqb.uz

«Қишлоқ қурилиш банк» — фаровон ҳаётингиз хизматиди!

Хизматлар лицензияланган.

Кўп тармоқли фермер хўжаликлари

озиқ-овқат дастури ижросини таъминлашда муҳим ўрин тутди



Давомий. Бошлиқни 1-бетда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан яқинда Тошкент шаҳрида ўтказилган “Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим заҳиралари” мавзусидаги халқаро конференция яқиндаги бағишланган ушбу тадбирларда худудда фаолият юритаётган илгор фермер хўжаликлари ва хизмат кўрсатувчи, таъминотчи корхоналар, маҳсулотни қайта ишловчи тузилмалар вакиллари қатнашди.

Таъкидланганидек, ҳозир вилоятда 6200 дан ортиқ фермер хўжалиги фаолият юритмоқда. 462 минг гектардан зиёд экин майдони улар ихтиёрида. Кейинги йилларда воҳода картошка етиштириш 67 минг тоннага, сазбавот 378 минг тоннага, полиз экинлари 28 минг тоннага, мева ва узум 60 минг тоннага кўпайди. Шунингдек, яқин истиқболда 2 мингдан ортиқ кўп тармоқли фермер хўжаликларини ташкил этиш орқали жойларда минглаб янги иш ўринларини яратиш кўзда тутилган.

сўзлаган нутқларини телевизор орқали диққат билан тингладик, — дейди парментлик фермер Айёмиддин Минхожиддинов. — Дарҳақиқат, юртимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми ошишига мос равишда деҳқоннинг топганига ҳам барака кираяпти. Мана, ўзимизнинг хўжалиқдан қиёс. Ўтган мавсумда қарийб 40 тонна олма, 190 тоннага яқин узум етиштирдик. 100 миллион сўмдан зиёд соф фойда олдик. Яна маҳсулотимизнинг бир қисмини экспорт қилишга ҳам муваффақ бўлдик. Илгари эртадан кираяпти далада ишлаб бундай ютуқларни, ҳатто, орзу ҳам қилиш қийин эди.

Самимий тарзда кечган мулоқотларда фермерлар олдида турган муҳим масалалар юзасидан узаро фикр алмашилди. Истикболли тақлиф ва тавсиялар ўртага ташланди.

Файрат ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Кичик корхона муваффақияти

Артемия ўта шўрланган сув ҳавзаларида яшовчи, узунлиги 1,5-2 сантиметрлик, қискичбақасмонлар туркумига кирадиган жонивор. Унинг қуритилган тухуми майда балиқлар учун озуқа ҳисобланади. Айниқ-ла, аквариумда балиқ боқувчилар уни жуда қадрлашади. Мўйноқ туманида бир неча йилдан буён фаолият олиб бораётган «Bridge-Invest» МҲЖ, асосан, Орол денгизи худудини артемия тухумини йиғиб, экспортга жўнатиш билан шуғулланади.

Корхона жамоаси ўтган йили 107,8 минг, жорий йилнинг ўтган даврида эса 70 минг АҚШ долларлик ушбу ноёб озуқани хорижга жўнатишга эришди. Жамият мутасаддиси В. Кимнинг таъкид-и, аквариумда балиқ боқувчилар уни жуда қадрлашади. Мўйноқ туманида бир неча йилдан буён фаолият олиб бораётган «Bridge-Invest» МҲЖ, асосан, Орол денгизи худудини артемия тухумини йиғиб, экспортга жўнатиш билан шуғулланади.

Корхона жамоаси ўтган йили 107,8 минг, жорий йилнинг ўтган даврида эса 70 минг АҚШ долларлик ушбу ноёб озуқани хорижга жўнатишга эришди. Жамият мутасаддиси В. Кимнинг таъкид-и, аквариумда балиқ боқувчилар уни жуда қадрлашади. Мўйноқ туманида бир неча йилдан буён фаолият олиб бораётган «Bridge-Invest» МҲЖ, асосан, Орол денгизи худудини артемия тухумини йиғиб, экспортга жўнатиш билан шуғулланади.

Хидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МҲЖ Бухоро вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган тақририй очиқ аукцион савдосига тақлиф этади.

Аукцион савдосига Бухоро шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 6 августдаги ЖК-1-222/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бухоро шаҳри, Қ.Муртазоев кўчасида жойлашган, умумий майдони 500,0 кв.м.дан иборат, пишиқ гишдан қурилган икки қаватли 21-уй-жой биноси қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 642 241 017 сўм.
Аукцион савдоси 2014 йил 3 июль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат

10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишининг охириги муддати — 2014 йил 1 июль куни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли шаҳар суд ижроқчилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиб мумкин.
Талабдорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган микдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатиди ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МҲЖ Бухоро вилояти филиалининг ХОАТБ «InFinBANK» Бухоро филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000804920609029, МФО: 01107, СТИР: 207122519.

Савдо ўтказиладиган манзил: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, 4-қават.
Телефон: (8-365) 221-58-70. www.1kms.uz

Хизматлар лицензияланган.

БУГУН — ЖАҲОН ЧЎЛЛАНИШ ВА ҚУРҒОҚЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШ КУНИ

Сайёрамизда ҳаёт бардавомлиги, турмуш фаровонлиги, экотизим барқарорлиги бевосита биз яшаб турган шу замин, унинг унумдор қатлами ҳолатига боғлиқ.



Она замин

Аслида, саҳролаши қуруқ минтақаларда атроф-муҳит дег-радацияси (завол топиши)нинг сунгги босқичи бўлиб, ижтимоий-иқтисодий тизим ва табиий-антропоген омилларнинг мураккаб алоқаси махсули ҳисобланади.

дан зиёди тўлақонли равишда овқатланмаслик, энг асосий микроэлемент ва витаминлар етишмаслиги муаммосидан азият чекмоқда.

17 июнь санаси «Жаҳон чўлланиш ва қуруқчиликка қарши кураш куни» сифатида кенг нишонланади.

рининг олдиндан айтиб бўлмайдиган оқибатлари, тез-тез такрорланаётган қуруқчилик ва сув ресурслари тақчиллиги, жумладан, сугориш учун ер ости сувларининг тугаб бораётгани, ирригация, мелiorация ва ерларнинг унумдорлигини қайта тиклашга йўналтирилган инвестицияларнинг етарли эмаслигини алоҳида таъкидлади.


лаштириш, юксак самарали замонавий агротехнологияларни жорий этиш ва сувдан оқилона фойдаланиш пайидан бўлимоқда.

завол кўрмасин

изчил ижроси таъминланаётгани эътиборга олинди. Чиндан ҳам, республика-мизда мустақиллик йилларида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ер ресурсларидан оқилона фойдаланишни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

ярми мамлакатимиз ҳудудига тўғри келади. Бу ердан кўтарилаётган туз чанг-тўзонлари эса экин майдонларининг унумдорлигини пасайтираётди.

«Билимлар беллашуви — 2014»



ТАНЛОВ

Пойтахтимизда «Билимлар беллашуви — 2014» кўриктанловининг мамлакат босқичи бошланди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан иқтидорли ўқувчилар иштирок этмоқда.

2,5 миллион нафарга яқин ўқувчи иштирок этгани ушбу танлов қамрови нақадар кенглигини далolat беради. Кучли рақобат муҳитида сараланган 520 нафар ўқувчи мазкур беллашувнинг яқини босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Фаолият ва истиқбол

Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан «Маданият ва аҳоли дам олиш марказлари фаолиятини ташкил этиш истиқболлари» мавзусида республика семинари ўтказилди.

СЕМИНАР

Мамлакатимизда аҳолининг, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлодининг тобора ошиб бораётган интеллектуал, эстетик ва маданий эҳтиёжларини тўлиқ қондириш, бўш вақтларини самарали ҳамда мазмунли ташкил этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

музиқали фаввора, турли аттракционлар, туман аҳолисининг кўтаринки, хушқайфияти семинар иштирокчиларига заъб бағишлади.

Мазкур ҳужжат асосида Самарқанд вилоятининг Оқдарё тумани маркази — Лойиш қўрғонида ҳамда Жомбой туманидаги Кўкғумбаз маҳалласида янги қиёфадаги маданият ва дам олиш марказлари фойдаланишга топширилди.

Бу йўналишда Самарқанд вилоятида намунали ишлар амалга оширилмоқда. Айни пайтда вилоятда ташкил этилган 512 тўғрақ, студия ва бадиий ҳаваскорлик жамоаларига ўн мингдан зиёд аҳоли жалб қилинган.

М. ЗИЁДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

республика олий таълим муассасалари учун 2014 йилда ўқув адабиётларини chop этиш бўйича нашриётлари тендерда қатнашишга тақдир этилади.

Тендер номи — Республика олий таълим муассасалари учун замонавий ўқув адабиётларини chop этиш. Буюртма — Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус касб-хунар таълимни ривожлантириш маркази (ОУМҚХТМ).

«Қибрай» клиник санаторийси
юрдак-қон томир ва асаб тизими касаллиқларини даволаш бўйича мамлакатимиздаги етакчи ихтисослаштирилган сихатгоҳдир.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача 232-11-15, 236-09-25. E-mail: reklama@xs.uz

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва қасаба уюшма кўмитаси Бухгалтерия ҳисоботи кафедраси катта ўқитувчиси Аъзам Туркмановга падари бузруквори

WWW.XS.UZ

«Абадият гулшани»: Япония, Россия, Озарбайжон каби мамлакатларда Алишер Навоий ҳайкалининг ўрнатилиши унинг жаҳон маънавияти ва маърифатига қўшган беқиёс ҳиссасига бўлган эҳтиром рамзидир.

Халқ сўзи Народное слово
МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ
2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 669. 118 344 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Таҳририятга келган кўлемлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтариб берилмайди.
РЕКЛАМА МАТЕРИАЛЛАРИ УЧУН ТАҲРИРИЯТ ЖАВОБГАР ЭМАС.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов. Навбатчи — З. Худойшукров. Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.15 Топширилди — 22.10 1 2 3 4 5